

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги фаолияти тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА

I. 2025 йил январь-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар

биринчи – соҳага оид **23 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат (**3 та** Фармони, **5 та** қарор, **15 та** Ҳукумат қарори) қабул қилинди;

иккинчи – мақтабгача таълим билан қамров даражаси **78 фоизга**, 6 ёшли болалар қамрови **98 фоизга** етказилди. Бунда:

135 та янги боғча қурилди (**16 820 та** ўрин), **104 та** (**12 610 та** ўрин) ДХШ асосида, **1 187 та** (**50 040 та** ўрин) оилавий ва **248 та** (**16 769 та** ўрин) хусусий боғча, **50 та** туман (шаҳар)да “**Илк ривожланиш марказлари**” фаолияти йўлга қўйилди (**5,2 минг** ўрин);

учинчи – баҳорги ва кузги малака тоифа синовларида **353 604 нафар** (**177 866 нафари баҳорги**) педагог, **касбий сертификатлаш** назорат синовида **21 836 нафар** стажёр-ўқитувчи иштирок этди;

тўртинчи – **PISA 2025** халқаро тадқиқотининг асосий синовларида Ўзбекистоннинг **233 та** (**8 655 нафар ўқувчи**) мактаби иштирок этди;

бешинчи – “**Вазир жамғармаси**” ҳисобидан **1 минг нафар** илғор ўқитувчига **ҳар ойлик устама** (**МХТЭМнинг 5,5 баробари**) тўланмоқда;

олтинчи – тизимда рақамлаштириш кенгайтириши ҳисобига **1-синфга қабул жараёнлари онлайн шаклда** амалга ошириладиган туман (шаҳар)лар сони **64 тага** (**2024 й – 43 та**) етказилди;

еттинчи – **Қўшработ тумани**нинг олис ҳудудларидаги (**қарийб 300 км** узоқликда) **20 та** мақтабга ўқувчиларни ташиш учун **17 та** махсус “**Мақтаб автобус**”и етказиб берилди.

саккизинчи – янги баҳолаш тизими кенгайтирилиб, уларнинг сони **3 434 тага** етказилди. Натижада, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси **53,2 фоиздан 71,7 фоизга** ўсган.

тўққизинчи – она тили ва адабиёти ҳамда тарих фани сертификатга эга **21 616 нафар** педагогга **50 фоиз** миқдорида **ҳар ойлик қўшимча устама** тўланмоқда.

ўнинчи – халқаро тажрибалар асосида **423 номда 60,2 млн. нусха** дарслик ва **ўқув-методик мажмуалар** нашр этилиб, мақтабларга етказиб берилди.

ўн биринчи – “**Рақамли кутубхона**” тизими орқали буюртма бериш, дарсликларни мақтабларга етказиш бўйича **модул** (**lib.uzedu.uz**) яратилди.

ўн иккинчи – **1 000 та компьютер синфи** (**17 мингдан ортиқ**) мақтабларга етказиб берилди.

ўн учинчи – менежерлик ўқув курсида **3 524 нафар** (**2 019 нафари мақтаб, 1 505 нафари боғча**) директор ва **2 869 нафар** (**2 210 нафари мақтаб, 629 нафари боғча**) **НОМЗОД** ўқитилди.

ўн тўртинчи – **183 нафар** раҳбар ва педагог ходим хорижий давлатларга (**Озарбайжон, Туркия, Буюк Британия, Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Япония**) стажировка ва малака оширишга юборилди.

ўн бешинчи – узлуксиз касбий ривожлантириш тизими асосида (“КРК”, “КРС” ва “ММК”, “ММС”) **559 482 нафар** (446 446 нафари мактаб, 113 036 нафари боғча) педагог малакаси оширилди.

ўн олтинчи – иккинчи хорижий тилга ўргатиш амалиёти жорий этилган мактаблар сони **420 тага** (2024 й – 208 та) етказилиб, халқаро ва миллий сертификатга эга ўқувчилар **53 204 нафарга** етди.

ўн еттинчи – мактабларга **829 нафар хорижий мутахассис** жалб этилди.

ўн саккизинчи – камбағал оила фарзандларини давлат боғчаларига имтиёз асосида қабул қилиш тартиби тасдиқланиб, уларнинг **355 347 нафар** фарзанди қабул қилинди.

ўн тўққизинчи – мактабларда **4 босқичли “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишлари самарадорлигини ошириш” концепцияси** тасдиқланди (22.04.2025 й., № 12-, 20-ққ-сон).

йигирманчи – уч босқичли “Турон” мактаб театри (362 304 нафар) ва “Иқтидор” мактаб ансамбли (71 120 нафар) республика танлови ўтказилиб, унда **433 мингдан** ортиқ ўқувчи қамраб олинди.

йигирма биринчи – жорий йилдан бошлаб илк бор тажриба-синов тариқасида **208 та** боғчада инклюзив таълим жорий этилди.

йигирма иккинчи – Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида “Меҳрли мактаб” давлат таълим муассасасининг филиаллари ташкил этилди.

йигирма учинчи – **32,8 млн. АҚШ доллари** тенг хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, **63,9 млн. АҚШ доллари**га тенг грант маблағлари жалб этилди.

йигирма тўртинчи – **10 067 та** мактабни бирламчи спорт анжомлари ва миллий чолғу асбоблари билан таъминланиб, **112,1 млрд. сўм** (62,1 млрд. сўм спорт, 50 млрд. сўм мусиқа) маблағ йўналтирилди.

йигирма бешинчи – халқаро олимпиадаларда **210 та** (40 та олтин, 78 та кумуш, 92 та бронза) медаль қўлга киритилди.

йигирма олтинчи – Ўзбекистон мезбонлигида илк бор **15 дан** ортиқ давлатлар иштирокида **2 та** (Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика, Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадаси) халқаро олимпиада ўтказилди.

II. 2026 йилдаги асосий вазифалар ва эришиладиган кўрсаткичлар

биринчи – 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражаси **99 фоизга** етказилади (ҳозир **98 фоиз**).

иккинчи – янги ўқув йилидан педагогика олийгоҳларида ўрта махсус маълумотли тарбиячилар учун “1+5” (1 кун ўқиш, 5 кун иш) бакалавр таълим шакли жорий қилинади.

учинчи – ҳар бир вилоятда боғча тарбиячилари педагогик маҳоратини оширишга методик кўмаклашувчи **120 ўринли** таянч “Янги авлод” боғчалари ташкил қилинади.

тўртинчи – таълимда сифат ва рақобатни таъминлаш учун рақамлаштириш даражаси оширилади.

Бунинг учун мактабларнинг **1 мингта** синф хонасига **компьютер**, **6 минг 300 та интерактив доска** етказиб берилади.

бешинчи – мактаб ўқувчилари ўртасида энг нуфузли **2 та** – **халқаро кимё** ва **информатика** олимпиадалари **Марказий Осиё** давлатлари ичида илк бор **Ўзбекистонда** ўтказилади.

олтинчи – янги ўқув йилидан мактаб даврида ўқувчиларни қобилиятига қараб **касб ёки олий таълимга** йўналтириш учун 9 ва 11-синф ўқувчилари учун **ягона давлат имтиҳонлари** жорий қилинади.

еттинчи – янги йилдан бошлаб камида **15 йил** стажга эга бўлган **олий тоифали педагогларга** ипотека кредити бошланғич бадалининг **25 фоизи** миқдорида қоплаб берилади.

саккизинчи – фан ўқитувчилари каби, бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам **миллий сертификат** бериш тизими жорий қилиниб, сертификат олганларга **ҳар ойда 15 фоиз** устама тўланади.

Бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан битириб, таълим ташкилотларига ишга кирганларга автоматик равишда **2-малака тоифаси**, магистрларга эса **1-малака тоифаси** берилади.

тўққизинчи – хусусий секторга берилган имтиёزلардан кенг фойдаланиш орқали **100 та** янги **нодавлат мактаб** ташкил этилади.

ўнинчи – **322 номда** **янги авлод дарслик** мажмуалари (*дарслик, машқ дафтари, педагоглар учун методик қўлланмалар*) чоп этилади.

ўн биринчи – **олий тоифали педагоглар** улуши **12,8 фоиздан 13,5 фоизга** етказилади.

ўн иккинчи – **9-синф** битирувчиларининг **касбий таълим билан қамровини** ҳозирги **29 фоиздан 34 фоизга** етказилади.

Бунда **5 ёшдан** бошлаб **“Атрофимиздаги касблар”**, **1–4-синфда “Касблар алифбоси”**, **5–6-синфда “Касблар олами”** ва **7–9-синфда “Менинг келажакдаги касбим”** дастури амалга оширилади.

ўн учинчи – **Техникумлар педагоглари А. Авлоний номидаги институти** ва худудий педагогик маҳорат марказларида малакаси оширилади.

Техникум директори ва **унинг ўринбосарлари А. Авлоний номидаги институтида** менежерлик ўқув курсида ўқитилади.

Шунингдек, мактабнинг **10-синф** ўқувчиларига ўқишини **техникумларга кўчиришга** руҳсат берилади.

ўн тўртинчи – **49 та** туман (шаҳар)да **“Илк ривожланиш марказлари”** ташкил этилиб, **10 мингдан** ортиқ бола қамраб олинади.

ўн бешинчи – **“Камбағал оилалар реестри”**га киритилган оилаларнинг **90 минг нафар** фарзанди қизиқишларига кўра **қўшимча таълимга (тўғарак)** жалб қилинади.

Ўн олтинчи – янги баҳолаш тизими жорий этилган мактаблар сони
4 500 тага етказилади.